

ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ  
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Убайдуллаев Камолиддин Нуриддинович

ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси

Эргашев Шерали Турсунбоевич

ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** мазкур мақолада муаллифлар трансмиллий уюшган жиноятчиликка ыарши курашнинг айрим масалаларини ёритиб берган. Бундан ташкири, муаллиф трансмиллий уюшган жиноятчилик таркиби ва моҳиятини очиб беришга интилган. Шунингдек, мақолада трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасидаги таклиф ва тавсиялар билдириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, тенденция, жиноятчиликка қарши курашиш, трансмиллий уюшган жиноятчилик, трансмиллий жиноятлар турлари ва белгилари, уюшган жиноятчилик ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашни мувофиқлаштириш бюроси.

**Аннотация.** В статье анализированы некоторые вопросы борьбы с транснациональной организованной преступностью. Кроме того, сделано попытка раскрыть структуру и сущность транснациональной организованной преступности. В статье также содержатся предложения и рекомендации по борьбе с транснациональной организованной преступностью.

**Ключевые слова:** глобализация, тенденция, борьба с преступностью, транснациональная организованная преступность, виды и признаки транснациональной преступности, Бюро координации борьбы с организованной преступностью и другими опасными видами преступлений.

**Abstract.** The article analyses some issues of combating transnational organised crime. In addition, an attempt is made to reveal the structure and essence of transnational organised crime. It also contains proposals and recommendations on combating transnational organized crime.

**Keywords:** globalisation, trend, fighting crime, transnational organised crime, types and characteristics of transnational crime, Bureau of Coordination of the Fight against Organised Crime and Other Dangerous Types of Crime.

Хозирги кундаги жиноятчилик ҳолати зўравонлик шаклига кўра оддий майший даражадан бошлаб то оммавий террор даражасида аҳамият касб этгани учун жамоатчилик олдида ўз хавфсизликларини яна бир бор қайта ўйлаб кўриш эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир инсон глобал дунёвий жараёнларга жалб қилинган бўлиб, илмий-техник тараққиёт ривожи билан янада тезлашмоқда ва умуминсоний хусусият

касб этаётган ижтимоий, иқтисодий, хом ашё ва бошқа муаммоларнинг кучайиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа кўплаб таҳдидларнинг, жумладан, жиноий таҳдидларнинг таъсири бир неча бараварга кўпайишига олиб келмоқда.

Глобаллашув замонавий давлатлар ривожланишининг айнан ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг етакчи тенденциясига айланиб улгурди. Глобаллашув жараёни эса, ўз навбатида, жиноятчилик тавсифига, яъни икки ёки ундан ортиқ давлат манфаатлари ва худудларига таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатларга олиб келади[8].

Жиноят ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида замонавий жамиятига бу жирканч иллат бўлиб, у билан давлат, унинг хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти доимий кураш олиб боради. Сўнгги ўн йилликда ушбу ижтимоий ҳодиса жамият учун алоҳида хавфга айланди, чунки у миллатлараро характерга эга бўлиб қолди. Жиноятчилик суверен давлатларнинг ҳудудий чегараларидан ташқарига чиқди, халқаро миқёсдаги ҳодисага айланди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб иқтисодий фаолиятни диверсификация қилиш туфайли турли хил ноконуний товарлар (курол-яроғ, гиёхванд моддалар ва бошқалар)ни сотиш ҳажми ошди, бу трансчегаравий жиноий фаолиятдан олинадиган даромадларнинг кўпайишига ва натижада трансмиллий жиноятчиликнинг ривожланиб боришига сабаб бўлди.

Жиноий уюшмалар ўз мақсадларига эришиш учун жиноят қонунчилик тизимида мавжуд бўшлиқларни қидириб топиш, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга ҳаракат қиласи. Улар пул ювиш операцияларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд бўлган бундай хуқукий режимни ёки юрисдикцияни қидирмоқда[7].

Жиноятчиликни трансмиллий ва уюшган кўринишга эга эканлиги аниқлаб берадиган муайян мезонлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз[1]. Бу мезонлар қуйидаги белгиларга кўра ажратилади[2]:

а) **трансмиллий**, яъни икки ва ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудларида жиноятларни содир этилганда;

б) **кўп босқичли**, яъни бир давлат ичида жиноят содир этиш, уни амалга ошириш нияти юзага келганда, режалаштириш ёки ундан ейинги тайёргарлик босқичи бошқа давлат ҳудудида бўлиб ўтган бўлса;

в) **тарқалганлик**, яъни бир давлат ҳудудида жиноят содир этиш, қачонки унинг салбий оқибатлари бошқа давлат ҳудудида бўлган бўлса;

г) **кўп субъектлилик**, яъни жиноятларни жиноий гурухларнинг шаклланиши таъсирида ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар содир этганда;

д) **кланли**, яъни трансмиллий жиноятларни миллий, диний, этник, қариндошлиқ, касбий ёки бошқа алоқалар асосидаги жиноий уюшмаган бирлашган шахслар томонидан содир этилганда;

е) **юқори даромадлилик**, яъни трансмиллий жиноятлар ўз иштирокчилариға тизимли равищада ўта юқори даромадни беради, буни олишнинг мажбурий талабларидан бири икки ва ундан ортиқ давлатнинг худудида жиноий фаолиятни содир этиш ҳисобланади.

Трансмиллий уюшган жиноятчилик деганда доимий равища жиноий фаолият билан шуғулланадиган ва асосий мақсади ҳар қандай жойда, миллий чегараларидан қатыи назар, фойда кўришни мақсад қилган одамлар гурӯхи фаолият юритадиган ташкилот мавжудлиги ва унинг фаолиятида иштирок этишини тушуниш лозимлиги тавсия этилди”[3].

Трансмиллий жиноятчилик одатда бир мамлакат чегараларидан ташқарига чиқувчи ва қуйидаги учта элементни ўз ичига оловучи жиноий фаолият сифатида қаралади, булар: халқаро жиноятлар, халқаро характердаги жиноятлар ва чет эл фуқаролари билан боғлиқ жиноятлар.

Трансмиллий жиноятлар – бу муайян фойда олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида бир ёки ундан ортиқ давлатлар худудида содир этиладиган, давлат чегарасини кесиб ўтишни зарурый белги сифатида қамраб оловучи, профессионал трансмиллий жиноий тузилмалар, жиноий уюшмалар ҳамда аниқ ташкилий тузилмага эга бўлмаган аъзолардан ташкил топган, жиноий қилмиши мамлакат чегарасида содир этилган ёки жиноий оқибати бошқа давлат худудида юзага келган ижтимоий хавфли қилмишdir[4].

Трансчегаравий жиноятчиликнинг ўзига хос хавфлилiği унинг халқаро тавсифга эгалигидир, чунки жиноятлар обьекти нафақат мулк ва мулкий хуқуқлар, балки давлатларнинг миллий мулкка бўлган суверен хуқуқлари, хорижий субъектларнинг ички ишларига аралашмаслик, валюта-молия ва банк тизимларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

2013 йил 13 январда Минск шаҳрида МДҲга аъзо давлатлар худудида уюшган жиноятчилик ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашни мувофиқлаштириш Бюроси (БҚБОП) тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритишни келишиб олинди ва қабул қилинди. Уюшган жиноятчилик ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашни мувофиқлаштириш Бюроси (БҚБОП) МДҲга аъзо давлатларнинг ички ишлар вазирликлари ва давлат органлари ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва бошқа хавфли жиноят турларига қарши курашда самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида тузилган доимий фаолият юритувчи орган ҳисобланади.

Уюшган жиноятчилик ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашни мувофиқлаштириш Бюроси (БҚБОП) жиноий таъқиб ёки жазони ижро этишдан қочиб кетган шахсларни давлатлараро қидирув ва экстрадиция қилишда тезкор-қидирув тадбирлари ва комплекс операцияларни тайёрлаш ва ўтказишгда ёрдам беради, жиноят олами етакчилари, халқаро жиноий уюшмаларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари ҳамда уларнинг жиноий алоқалари ҳақидаги

ихтисослаштирилган маълумотлар банкини шакллантириш бўйича ишларни юритмоқда. МДҲ давлатларининг манфаатдор ички ишлар вазирликларига сўров ёки ташаббус асосида тегишли маълумотларни тақдим этади. Бюронинг вазифаларидан бири, шунингдек МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши, МДҲ ҳукумат раҳбарлари кенгаши ва Ички ишлар вазирининг уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши ва бошқа жиноятларнинг хавфли турларига қарши қурашиб соҳасидаги қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳисобланади.

Молиявий активларни қонунга хилоф равишда кўлга киритишига қаратилган трансмиллий (трансчегаравий) жиноятларга қарши қурашиб “жиноятдан олинган даромадларни аниқлаш”га қаратилган бўлиб, ҳар қандай жиноят содир этиш натижасида бевосита ёки билвосита орттирилган ёки олинган ҳар қандай мулкни англатади.

Трансмиллий (трансчегаравий) уюшган жиноятчиликка қарши қурашда асосий чора сифатида “мулкни тутиб қўйиш” назарда тутилади, яъни мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ўзгартириш, бегоналаштириш ёки кўчиришни ёхуд бундай мулкка вақтинча эгалик қилиш, ёхуд суднинг қарори ёки ваколатли органнинг буйруғи билан вақтинча унинг устидан назоратни амалга оширишни англатади[6].

Жиноий молиявий-иктисодий хатти-харакатларга қарши қурашишнинг халқаро амалиётида, қоида тариқасида, таркиби жиҳатидан кўп қиррали ва мураккаб бўлган асосий ва улар билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш талаб этилади. БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси” мақсадлари учун “асосий жиноят” деганда, даромад қелтирувчи ҳар қандай жиноят тушунилади, унга нисбатан жиноятни ташкил этувчи харакатлар содир этилиши мумкин[5].

Трансчегаравий иқтисодий жиноятларни тергов қилишнинг халқаро амалиётини ривожлантириш жараёнида жиноятнинг асослари, сабаб ва оқибатларини ўрганишнинг янги услуг ва усуллари вужудга келмоқда. Масалан, “назорат остида етказиб бериш” тадбири жиноятни тергов қилиш ва ушбу жиноятни содир этишда иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларнинг ваколатли органларини назорати остида ноқонуний ёки шубҳали юкларни бир ёки бир нечта давлат ҳудудига олиб чиқиши, ташиши ёки олиб киришга рухсат бериладиган тадбирни англатади.

Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши қурашиб бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар ва Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг таҳлили самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши талаб этилмоқда.

Ўзбекистон томонидан тузилган халқаро шартномаларга трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши қурашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигининг турли ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, биринчи навбатда, трансмиллий уюшган

жиноятчилик билан қарши курашиш бўйича халқаро механизмларини такомиллаштириш зарур.

Хусусан, биринчи қадам сифатида БМТ доирасида трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳолатини мониторинг қилиш, Интерпол ва прокуратура органлари фаолиятини тизимли таҳлил қилиш, трансмиллий жиноий гурухлар фаолиятига қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий таъсир чоралари самарадорлигини баҳолаш бўйича давлатлараро халқаро қўмита ташкил этиш мумкин. Барча ушбу чора-тадбирлар трансмиллий уюшган жиноятчилик билан қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Международное сотрудничество по противодействию коррупции с использованием полномочий прокурора в сфере уголовного судопроизводства: лекция / А.В. Агутин. – М.: Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации, 2017. – С 67.
2. Currie R.J., Riknof J. Transnational and international criminal law. Second edition. Irwin Law Inc. – Toronto. 2013. – P. 67.
3. Репецкая А.Л. Организованная преступность. Теневая экономика. Криминальный рынок России. – М.: Юрлитинформ, 2010. – 192 с.
4. Максимов С.В. Краткий криминологический словарь. – М.: Юристъ, 1995. – 32 с.
5. Агутин А.В. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений экстремистской направленности: учеб. пособие / А.В. Агутин; Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2017. – 82 с.
6. Волеводз А.Г. Правовые основы новых направлений международного сотрудничества в сфере уголовного процесса. Дисс... док. юрид. наук. - Москва, 2002. –73 с.
7. Валеев Д.М. Транснациональная организованная преступность: понятие и сущность // Пробелы в Российском законодательстве – 2011 – № 1 –155 с.
8. Фрахи Б. Международное сотрудничество против организованной преступности. Опыт Европейского интеграции // Вестник МПА СНГ. - 1995. - №1. – 60-63 с.